

Тошкент туманига янги бош имом-хатиб тайинланди



20:07 / 02 март 1294

Кеча **Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасур домла Раупов** Тошкент тумани «**Ҳасанбой ота**» жомеъ масжидига жума намозига ташриф буюриб, намоздан олдин жамоатга «**Ҳар соҳада пешкадамлик динимиз кўрсатмасидир**» мавзусида мавъиза қилиб берди.

Шу билан бирга, Тошкент туманига бош имом ҳамда «**Ҳасанбой ота**» жоме масжидига янги имом-хатиб этиб тайинланган **Дониёр домла Икромовни** намозхонларга таништирди.

Янги имомнинг фаолиятига Аллоҳ таолодан муваффақиятлар сўраб, хайрли дуолар қилинди.

Тошкент вилояти вакиллиги Матбуот хизмати